

<p style="text-align: center;"><i>Илмий-услубий, маънавий-маърифий журнал.</i></p> <p style="text-align: center;"><i>Таъсисчи:</i> <i>Ўзбекистон Республикаси</i> <i>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</i> <i>Тошкент давлат шарқшунослик</i> <i>университети</i></p> <p style="text-align: center;"><i>1992 йилдан чиқа бошлаган</i></p> <p>Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0055 26 сентябрь 2014 йил)</p>		<p style="text-align: right;">SHARQ MASH'ALI</p> <p style="text-align: right;"><i>ISSN 2010-9709</i></p>	
<p>Бош муҳаррир: Г. РИХСИЕВА (доц., ф.ф.н.)</p> <p>Тахрир хайъати: Д. САЙФУЛЛАЕВ (доц., т.ф.д.) (бош муҳаррир ўринбосари) Х. А. ЛИМОВА (доц., ф.ф.д.) (масъул котиб) А. МАННОНОВ (проф., ф.ф.д.) Қ. СОДИҚОВ (проф., ф.ф.д.) Р. ХОДЖАЕВА (проф., ф.ф.д.) Ш. ШОМУСАРОВ (проф., ф.ф.д.) Қ. ОМОНОВ (проф., ф.ф.д.) У. МУҲИБОВА (проф., ф.ф.д.) Д. МУҲИДДИНОВА (ф.ф.д.) Х. ҲАМИДОВ (ф.ф. бўйича PhD) Б. АБДУҲАЛИМОВ (проф., т.ф.д.) А. ХОДЖАЕВ (проф., т.ф.д.) М. ИСХОҚОВ (проф., т.ф.д.) Х. ФАЙЗИЕВ (доц., т.ф.н.) Р. ЖУМАЕВ (проф., с.ф.д.) Ш. ЁВҚОЧЕВ (проф., с.ф.д.) Н. АБДУЛЛАЕВ (доц., с.ф.д.) А. ВАҲОБОВ (проф., и.ф.д.) Р. АБДУЛЛАЕВ (проф., и.ф.д.) И. МАВЛАНОВ (проф., и.ф.д.) Д. ПЎЛАТОВА (проф., фал.ф.д.) Р. БАҲОДИРОВ (проф., фал.ф.д.) Э. ИЗЗЕТОВА (проф., фал.ф.д.) А. ШОНАЗАРОВА (АҚШнинг Колумбия унив. проф.) Г. ГЛИЗОН (АҚШнинг New Mexico унив. проф.) ОНО МАСАКИ (Япониянинг Цукуба унив. проф.) ЛИ ДЖИ ИН (Корея Республикасининг Хангук чет тиллар унив. проф.) В. МЕСАМЕД (Исроилнинг Куддус унив. проф.) А. ГҲРЕР (Туркиянинг Анкара унив. проф.) А.ВОРОБЬЕВ (Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими) Г. АВДА (Миср Араб Республикасининг Хелвон унив. проф.) А. ТОҲИР (Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий талқикотлар маркази директори) ЛИ СИНЬВЭЙ (Хитой Халқ Республикасининг Шэньси унив. проф.) Х. БАЙДЕМИР (Туркиянинг Отатурк унив. проф.)</p>		<p style="text-align: center;">МУНДАРИЖА № 1, 2023 йил</p> <p style="text-align: center;">Адабиётшуносликка бағишланган махсус сон</p>	
<p style="text-align: center;"><i>Адабиётшунослик</i></p>		<p><i>Xodjayeva R.</i> Adabiyot xalqlarni yaqinlashtiradi (o‘zbek-arab adabiy aloqalarga oid) 3</p> <p><i>Муҳибова У.</i> Бобурийлар даври Бҳакти шеъриятида миллий анъаналар инъикоси 10</p> <p><i>Муҳиддинова Д.</i> Ироқлик замонавий ёзувчи Абдурахмон Мажид Ар-Рубейъий ижодига бир назар 18</p> <p><i>Кенжаева П.</i> Турк адаби Мустафо Қутлу ҳикоячилигининг етакчи тамойиллари 25</p> <p><i>Турдиева О.</i> Самад Бехрангийнинг “Кичкина қора баликча” ва Ричард Бахнинг “Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон” асарларида эрк концепцияси 33</p> <p><i>Ахмедова Ш.</i> Қўрфаз араб мамлакатлари ҳикоянавислигининг шаклланиш омиллари ва ривож 40</p> <p><i>Саидова Н.</i> Традиции и новые тенденции Саудовского рассказа на современном этапе.. 48</p> <p><i>Кабирова Н.</i> Афғонистон дариизабон ёзувчиси Холид Нависонинг ҳикояларида образлар оламининг ифодаси..... 58</p> <p><i>Қосимова Г.</i> Япон шаҳар маданияти ва адабиётининг шаклланиш жараёнлари 70</p> <p><i>Қомилова Ш.</i> XX аср Хитой адабиётида “Янги драматургия” 73</p> <p><i>Ашурова М.</i> XX аср иккинчи ярми Хитой адабиётида романнавислик ривожига Yuyu Hua ўрни 93</p> <p><i>Умарова Н.</i> Замонавий Миср ёзувчиси Салва Бақр ижодий олами 105</p> <p><i>Азизова Н.</i> Миллий адабиёт даврининг йўлбошчи шоири Зиё Гўкали шеърияти 111</p> <p><i>Юсупова Д.</i> Сиёвуш Касроий шеъриятида поэтик анъаналар 120</p> <p><i>Абубакиров Ж.</i> “Ҳоген моногатаири” асарида “Бушидо- самурайлар ахлоқ нормаси” ва ҳарбий дунёқарашнинг акси 128</p> <p><i>Asadova D.</i> О‘рхон Pamuq romanlarida postmodernizm unsurlari 135</p>	
<p>Нашрга тайёрловчилар:</p>			



Ж. ИСМОИЛОВ
А. ЗИЁДОВ
Л. ХАМДАМЗОДА
Х. СУЛАЙМОНОВА

Журнал Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан
филология ва тарих йўналиши бўйича
илмий мақолалар чоп этиладиган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал оригинал-макет асосида босилди.

Sharq mash'ali, 2022 йил 1-сон.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

Босишга рухсат этилди 30.03.2023.

Бичими 84x108 $\frac{1}{16}$ Шартли б.т. 9

100 нусхада босилди. Буюртма №

Бахоси келишилган нархда.

Тошкент, Амир Темури кўчаси, 20.

© Тошкент давлат шарқишунослик
университети, 2023 йил

Муаллиф фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқланиши мумкин.



жияни юнонларга ҳадя қилганини ва сўнггида бир қахрамон келиб қутқарганини айтади. Бу қахрамонни Аллоҳ асраши учун дуолар ўқишади. Ғўқалпнинг баъзан енгил, баъзан эса лиризмга оид ўргатувчи характердаги шеърлари асл кувватларини соф ва жонли бир тилда энг ёқимли яъни ўзига ёқадиган услубдан олади. Бу тил ва услуб янги бир атмосфера яратиш орқали муваффақиятга учради.

Шоирнинг “Турон” (Türân), “Инқилоб кўшиғи” (İhtilâl Şarkısı), “Хуррият мадҳияси” (Hürriyet Marşı), “Туркчилик” (Türklük), “Жанг кўшиғи” (Cenk Türküsü), “Шаҳид ҳарами” (Şehid Haremi), “Қани олға” (Durma Vur!), “Ўтуқан мамлакати” (Ötüken Ülkesi), “Усмон Ғазий Қурултойда” (Osman Gazi Kurultay’da), “Чанокқалъа” (Çanakkale), “Миллат” (Millet), “Ватан” (Vatan), “Ахлоқ” (Ахлоқ), “Тил” (Лисъан), “Маданият” (Medeniyet), “Дорилфунун” (Dârül fûnûn), “Санъат” (Sanat), “Иккинчи арзихол” (İkinci İstidâ), “Измирда” (İzmir’de) сингари шеърлари бугунгача китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади.

Шунингдек, ўғуз туркларига оид миллий дostonчиликнинг парчалари ва Дада Кўрқут китобидан фойдаланган ҳолда масал ёки ҳикоя услубида ёзилган бир қанча манзумаларни “Қизил олма” (1914) ва қисман “Олтин нур” (1923) китобларида жамлади ¹. Турк миллатига ижтимоий, илмий, маданий, диний ва ахлоқий асарларни ўргатиш ва тарғиб этиш мақсадида қаламга олган шеърларини “Янги ҳаёт” (1918) китобида жамлади.

Хулоса ва таклифлар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ғўқалп фақатгина адабиётга эмас, балки адабиётни янада ривожлантириш ва ҳаммага тушунарли бўлиши учун тилга ҳам жуда катта аҳамият берган ва бунда ўз мақсадига эриша олган. Чунки, у ёзган шеърлар нафақат адабиётшунослар учун, балки халқ учун ҳам тушунарли бўлган. У турк тилини ўз имкониятлари асосида ривожлантириш ва хорижий тиллардан иложи борица камроқ сўзлар олишга тарғиб этди.

Зиё Ғўқалп ижоди, унинг адабий мероси нафақат турк адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам бугунгача тадқиқ этиб келинмоқда. Айниқса, унинг ватан мадҳини куйловчи шеърлари халқ қалбидан жой олиб, тилларда ёд бўлган. Шоирнинг худди Меҳмет Акиф Эрсўй сингари халқнинг реал ҳаётини, дардларини, ватанга бўлган муҳаббатини, умуман олганда ватанни ҳимоя қилишга чорловчи шеърлари ашула қилиб куйланиб келинмоқда. Унинг лирик асарларида ўз кечинмалари ва ҳис-туйғуларидан ташқари, объектив ҳақиқатни акс эттирувчи тарихий образлар ҳам яққол кузатилади. Тарихда турк халқининг юксалишида ва дунёга танилишида ўз ўрнига эга ҳоқонлар, йирик саркардалар Зиё Ғўқалп шеърятининг асосий лирик қахрамонлари ҳисобланади.

Зиё Ғўқалп замонавий турк адабиётини ўзининг янгича қарашлари ва фикрлари билан бойитди. Шунингдек, унинг ижодида фольклор, девон адабиётининг намуналари ҳам учрайди, шу билан бирга замонавий адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, педагогикага оид асарлари ҳам бор. У бутун бир турк халқи учун қайғурди, турк халқининг қалбидаги кечинмаларни шеърга солди, турли шароитларда юзага келган ҳис-туйғулари, фикрий қарашларини асарлари моҳиятига сингдирди.



СИЁВУШ КАСРОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК АНЪАНАЛАР

ЮСУПОВА ДИНОРА

¹ Akyüz K. Batı Tesirinde Türk Şiiri Antalojisi (1860-1923). İstanbul-1971. -S.684.





Аннотация. Маълумки, Шеърят Эроннинг ижтимоий тафаккур аҳли учун асрлар давомида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келган. Эронда шахснинг ахлоқий нормалари қадим замонлардан бери шеърӣ тарзда шакллантирилган. Шарқ халқлари адабиётини, хусусан форс шеърятини тадқиқ қилиш учун унинг асосий негизларини билиш, шеър илмининг классик ва замонавий муаммолари, ўзига хос жиҳатларини очиб бера олиш кабилар тадқиқотчидан талаб қилинадигин муҳим омиллардан саналади. XX аср Эрон демократик шеърятининг ривожланиши унда ижтимоий мавзунинг кучайиши билан машхур эди. Шеърят муаммоларининг зарурий ижтимоий масалалар билан узвийлиги шеърӣ онгининг тубдан ўзгаришига олиб келди. XIX-XX асрлар давомида европа шеърятининг ривожланиши рационалистик шеърятдан халос бўлиш ва вибрирни тасдиқлаш белгиси остида бораётган эди. Шеърятнинг асосий жанрий услублари охириги йилларда қисқа лирик шеърларни таъкил этмоқда. Шоир шаҳар кўчаларида хунармандлар устахонаси, хиёбонлар ва чангли кўчаларда кўрган маънавий манзарани ифодалаши замонавий форс шеърятини учун янглик эди. Бундай жанрларда яратилган энг яхши асар чинакам реалистик руҳда ёзилган асарлардир. Ҳозирги давр Эрон шеърятининг адабий оқими ва янги шеърӣ шакл ва жанрларнинг 1970-1980 йиллардан кейинги ривож, жанр ва услублар тараққиёти, давр шеърятининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш мақоланинг асосий илмий мақсадини таъкил этади. Мазкур мақолада қадимий афсоналарнинг замонавий адабиётда акс этишига доир қарашлар эронлик шоир Сиявуш Касроӣ ижоди мисолида таҳлил этилади. Шунингдек, конкрет афсонавий образларнинг қиёсий тадқиқи асосида анъана ва новаторлик масаласи ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: поэтик анъаналар, Сиявуш Касроӣ, афсонавий мативлар, анъанавий образлар, Авесто, Фирдавсийнинг "Шахнома" си, Ораш образи.

Аннотация: Как известно, что поэзия на протяжении веков имела особое значение для социально мыслящего народа Ирана. В Иране моральные нормы личности с древних времен формулировались в поэтической форме. Для исследования литературы народов Востока, особенно персидской поэзии, важно знать ее основные принципы, уметь выявить классические и современные проблемы науки о поэзии, уметь раскрыть ее своеобразие. аспекты. Развитие демократической иранской поэзии 20 века славилось усилением в ней социальной темы. Интеграция проблем поэзии с необходимыми социальными вопросами привела к коренному изменению поэтического сознания. В течение 19 и 20 веков развитие европейской поэзии проходило под знаком избавления от рационалистической поэзии и утверждения воли. Основными жанровыми стилями поэзии последних лет являются короткие лирические стихотворения. Новым для современной персидской поэзии было то, что поэт выразил бытовую сцену, увиденную им на улицах города, в ремесленной мастерской, переулках и пыльных улицах. Лучшие произведения, созданные в таких жанрах, это произведения, написанные в истинно реалистическом духе. Литературное течение современной иранской поэзии и развитие новых поэтических форм и жанров после 1970-х и 1980-х годов, развитие жанров и стилей, исследование художественных особенностей поэзии того периода составляют основную научную цель статьи. В данной статье анализируются взгляды на отражение древних легенд в современной литературе на примере творчества иранского поэта Сиявуша Касраи. Также на основе сравнительного изучения конкретных мифологических образов освещается проблема традиции и новаторства.

Ключевые слова: поэтические традиции, Сиявуш Касраи, легендарные мотивы, традиционные образы, Авеста, "Шахнаме" Фирдавси, образ ораш.

Annotation : It is well known that poetry has had a special significance for the socially minded people of Iran for centuries. In Iran, the moral norms of the individual have been formulated in poetic form since ancient times. To study the literature of the peoples of the East, especially Persian poetry, it is important to know its basic principles, to be able to identify classical and modern problems of the science of poetry, to be able to reveal its originality. aspects. The development of democratic Iranian poetry of the 20th century was famous for strengthening the social theme in it. The integration of the problems of poetry with the necessary social issues has



led to a radical change in poetic consciousness. During the 19th and 20th centuries, the development of European poetry took place under the sign of getting rid of rationalistic poetry and affirming the will. The main genre styles of poetry in recent years are short lyrical poems. What was new for modern Persian poetry was that the poet expressed the everyday scene he saw on the streets of the city, in a craft workshop, alleys and dusty streets. The best works created in such genres are works written in a truly realistic spirit. The literary current of modern Iranian poetry and the development of new poetic forms and genres after the 1970s and 1980s, the development of genres and styles, the study of the artistic features of poetry of that period constitute the main scientific purpose of the article. This article analyzes the views on the reflection of ancient legends in modern literature on the example of the work of the Iranian poet Siyavush Kasrai. Also, based on the comparative study of specific mythological images, the problem of tradition and innovation is highlighted.

Keywords: Keywords: poetic traditions, Siyavush Kasrai, legendary motifs, traditional images, Avesta, "Shahnameh" Firdavsi, the image of Orash.

Кириш. Халқ тафаккури ва ижодининг маҳсули бўлган афсона ва мифлар асосан конкрет тарихий шароит ва воқеалардан келиб чиққан бўлиб, уларда ҳаёт машаққатлари ва халқ орзулари акс этади. Афсоналар милoddan аввалги даврларда, хусусан қадимги Миср, Ҳиндистон, Эрон давлатларининг асотирий қарашлари натижасида бугунги кунгача етиб келган.

Эрон адабий танқидчилигида афсоналарнинг жанр хусусиятлари, афсонавий қаҳрамонлар ва уларнинг замонавий адабиётда қўлланилиши каби масалаларга алоҳида эътибор бериб келинган. Жумладан, эронлик тадқиқотчи Ҳасанпур Олоштий бу хусусда қуйидаича фикр билдиради: “Афсоналар замонавий шеърнинг мазмун - моҳиятини ҳамда тилини мувозанатда ушлаб турувчи асосий унсурлардан бири ҳисобланади. Афсоналар гарчи қадимги дунёга тааллуқли бўлсада, инсонлар тасаввурида ўша даврни гавдалантирган. Шунингдек, янги давр ва интеллигентлар асрида бугунги кун инсонлари ақл – заковатида ҳам ўз таъсирини кўрсатган”¹.

Мақсад ва вазифалар. Эрон шеърлятидаги «шеър-и нўу» адабий оқими ва анъанавийлик, афсонавий образлар талқини, давр шеърлятининг бадий хусусиятларини тадқиқ этиш мақола мақсадини ташкил этади. Бугунги кун Форс шеърлятига кириб келаётган янги оқимларнинг XX аср сўнггидаги тараққиёти, бу давр шоирлари ижодий меросининг ўрни ва амалий аҳамияти, улар шеърлятидаги ўзига хослиги, 1970-2000 йилларда шеърлятида акс этган анъанавий образлар, афсоналарнинг қайта жонланиши, шоирлар бадий тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда улар ижодида акс этган ғояларни талқин этиш маскур мақоланинг вазифаси саналади.

Усуллар. Эрон замонавий шеърлятида XX асрнинг сўнгги чорагида рўй берган янгиланишлар, улардаги жанр ва услуб масалаларига бағишланган тадқиқот ишида тарихий-қийосий таҳлил, шунингдек, бадий таҳлил жараёнида тизимли таҳлил методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва мулоҳаза. Дарҳақиқат, афсоналар фақат ўтмишга хос адабий ҳодиса эмас. Турли даврларда, шунингдек, замонавий адабиётга мансуб асарларда ҳам машҳур афсоналар мотивларининг айнан ўзгартирилмасдан келиши ёки трансформацияга учраган ҳолда қўлланилиши учрайди. Баъзан қадимги афсоналар сюжетларининг мантикий давомини янги даврда юзага келган асарларда кўрамиз. Шунингдек, сўнгги йилларда яратилган модерн руҳдаги кўпгина шеърӣ ва насрий асарларни тушуниш мавжуд афсоналар ҳақидаги билимга эга бўлишни талаб қилади.

Замонавий адабий асарларда афсонавий қаҳрамонлар талқини қадимий давр адабий асарларига қараганда кўп қирралидир. Қуйида улардан айримларига тўхталамиз.

¹ ادبيات پژوهش، شماره 9، پاییز 1388، مقاله حسین حسن پور آلاشتی، مراد اسماعیلی. "تحليل اسطوره ها در اشعار سیاوش کسرای". ص 90



Қадимий афсоналарни ҳеч ўзгартиришсиз қайта яратиш. Шоир қадимий афсоналарда тасвирланган воқелик билан янги давр воқелиги ўртасидаги ўхшашликлар асосида маълум бир афсона сюжетида ҳеч бир ўзгартиришсиз фойдаланади. Дарҳақиқат, бу турдаги афсоналарнинг давомийлиги сири ҳозирги асрда уларнинг шу даврнинг ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқлик қудратидир. Мисол тариқасида Сиёвуш Касроийнинг “Ораш-е камонгир” шеърини достонида келтирган афсоналарни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Қадимги афсоналарга ўзгартириш киритган ҳолда қайта яратиш. Бу ҳолатда агар афсоналар юзага келиш ҳолатлари билан фарқ қилса ва уларни қайта яратишнинг имкони бўлмаса, унда шоир афсоналарни ҳозирги шароит билан мослаштириш учун бу афсоналарга ўзгартириш киритади. Зеро, “Афсоналар ҳар замонда ўзининг алоҳида шаклида, ўрнига ва татбиқ этиш хусусиятига эга бўлган. Вақт давомида, географик чегараларда ва турли инсонлар орасида ўзгартириш мумкин ва янги маънони акс эттиради”. Доктор Хонларининг Симурғ даврнинг экзистенциализм ғоялари таъсирида ноилоҳ асотирлар ҳам шу ғоянинг “жозибалилиги”ни ўзига қамраб олган¹.

Тарихий шахсларни “афсонавийлаштириш”. Афсоналар доим ҳам янги жамият тафаккури билан мослашиш имкониятига эга бўлмайди, ўрни билан ўз жойини янги афсоналарга бўшатиб беради. Бу йўналишдаги афсоналар кўпинча тарихий сиймолардан афсонавий образларни яратиш билан характерланади ҳамда кўпроқ сиёсий характердаги асар намуналари сифатида юзага келади.²

Тадқиқотимиз объекти бўлган Сиёвуш Касроий³ ҳам давр талабларини инобатга олиб, эҳтиёткорлик билан қадимий афсоналардан ва тарихий сиймолардан фойдаланган ҳолда янги афсоналар яратиши унинг шеърларига ўзига хос бадиий баркамоллик бахш этган. У ўзининг идеологик ва сиёсий қарашларини ифодалашда афсоналардан моҳирона фойдаланади. У ҳатто тарихий сиймолар тақдири ҳақида афсоналар яратиб, уларга афсонавий кўриниш берган. Фикримиз исботи сифатида шоирнинг “Ораш-е Камонгир”, “Жаҳон Паҳлавон”, “Андӯҳ-е Семурғ” ва “Мўҳр-е сўрх” эпик достонларида турли афсонавий ва тарихий образлардан фойдаланганини айтиб ўтиш мумкин. Қуйида Сиёвуш Касроий ўз шеърларида қайта жонлантирган машҳур афсонавий образларнинг баъзиларига тўхталамиз:

Сиёвуш образи. Сиёвуш ҳақидаги афсона Эрон халқининг миллий афсоналаридан бири ҳисобланади. Эрон халқи узок йиллардан бери Сиёвушнинг ғам-андӯҳини улуғлаб келади. Сиёвуш Кайковуснинг ўғли, Кайхусравнинг отасидир. Сиёвуш номи келтирилган энг қадимги манбалар зардуштийлик динидан қолган афсоналардир.⁴ Эрон шахзодаси Сиёвуш ва Турон подшоҳи Афросиёб ўртасидаги муносабатлар, шу асосда Эрон ва Турон алоқалари озми кўпми Сиёвуш афсонасида ўз аксини топган. Сиёвушнинг шухрати кўпроқ Ўрта Осиёда ёйилганлиги Хоразм ва Бухорода машҳур бўлган тарихий манбаларда келтирилади. Сиёвуш афсонасининг тарихий илдизлари “Авесто”да учрайди. С.П.Толстовнинг хабар беришича, Сиёвуш милoddан аввалги XIII асрда Хоразм давлатига асос солган. Бу хабарни Толстов Беруний маълумотларига асосланиб келтиради⁵.

¹ حسين حسن پور آلاشتی، آمانحانی، 1385 ص 1

² اسماعل پور 1388 ص 73

³ XX аср эрон шеърятининг йирик вакилларида бири, эрон ёзувчилари уюшмаси аъзоси, сиёсий арбоб ва ҳуқуқшунос Сиёвуш Касроийдир (1926-1996).

⁴ حماسه سيوش، دانشگاه تربيت معلم ص 3

⁵ Ўзбек адабиёти тарихи. 1978. Б.:32-33





Афсонада Сиёвуш ўғай онасининг беодобона таклифини рад этиб, отасига бевафолик йўлини тутмаган солих, вафодор фарзанд, сўзлида собит, қатъиятли, теран фикрли мард инсон қиёфасида гавдаланади. Унинг донолиги, ақл-заковати, одоби рақиби Афросиёбни таҳликага солади. Натижада Сиёвуш Афросиёбнинг буйруғи билан ўлдирилади.

Сиёвуш - Фирдавсий “Шохнома”сидаги афсонавий образ ҳисобланади. Сиёвуш ўз умрини Турон ва Эрон халқлари тинчлиги учун фидо қилган шахс ҳисобланиб, форс адабиётида олийҳиммат, фидоий, садоқат тимсоли ҳамдир. Фирдавсий “Сиёвуш” достонида зулм-зўрлик, ўзаро феодал урушлар, манманлик ва шошқалоқлик, фисқ-у фасод, ғийбат-у игво, ноҳақ қон тўкиш, талончилик ва хонавайронликни қаттиқ қоралаб, самимий муҳаббат, ақл - заковат ва қаҳрамонлик, халқ, ватан ҳақида ғамхўрлик қилиш, сулҳпарварлик ва халқлар дўстлигини улуғлайди.¹

Сиёвуш Касроий ҳам Сиёвуш афсонавий образини Эрон халқининг қаҳрамони сифатида тасвирлайди. Шоир мазкур образга ўзгартириш киритмайб аввалги афсоналарга монанд ифода этпди.

Рустам ва Сухроб образи. Фирдавсийнинг “Шохнома” сида Рустам баҳодир, мард ва жасур образ тарзида намоён бўлади. “Шохнома”да тасвирланишича, Рустам етти ёшлигидан барча хунару билимларни эгаллайди, ўн тўрт ёшида жаҳонпахлавон даражасига етади². Кунлардан бир кун Рустам Турон чегараларига овга боради. Бир қанча қулонларни ер тишлатади. Ўт ёқиб, улардан бирини пиширади. Уни еб тўйгандан кейин уйкуга кетади. Шу ердан ўтиб кетаётган отликлар яйловда ўтлаб юрган Рустамнинг оти –Раҳшни ушлаб Самангонга боради. Уйқудан турган Рустам отини тополмай, уни қидириб Самангонга боради. Самангон шоҳи ва улуғлари Эроннинг буюк жаҳонпахлавони келганини эшитиб унга пешвоз чиқади. Шоҳ ундан бир кеча меҳмон бўлишни илтимос қилади. Самангон шоҳининг қизи Тахмина ярим тунда Рустамнинг хобгоҳига боради ва унга ишқ изҳор этади. Натижада икковлари қўшилишади. Тўққиз ойдан сўнг Тахмина ўғил кўради. Келбатда бобоси Сомга ўхшаган болада Сухроб деб исм қўядилар. Сухроб ўн тўрт ёшга кирганида онасидан ўз аждодини билиб олади. У Эрон шоҳини ўлдириб, тахтни Рустамга олиб беришга ва ундан сўнг Турон шоҳини орадан кўтаришга қарор қилади. Ўзи Туронга шоҳ бўлишни кўзлайди. Ана шу ниятларини амалга ошириш учун Сухроб Эронга қарши лашкар тортади. Ўз шум режалари пайдан бўлган Афросиёб ҳам ўн икки минг лашкар йиғиб, Хуммон ва Бармонлар бошчилигида Сухроб ёрдамига жўнатади. Уларга ота-бола бир-бирларини танишларига йўл қўймасликни топширади, ота ўғил қўлида ўлдирилиши унинг бош мақсадларидан эди. Шундан сўнг кечаси яширин ҳолда Сухробни ўлдиришни ҳам буюради. Шундай қилиб, Ковус ҳамда Эронни осонликча қўлга киритишни мўлжаллайди.

Сухроб Эрон чегарасидаги қалъага етиб келади. Унга қарши чиққан Ҳажир ва Гурдофарид билан олишиб, уларни мағлуб этади. Бундан хабар топган Ковус Рустамга нома юборади. Шоҳ мамлакат аъёнлари билан маслаҳатдан сўнг Рустамдан бошқа ҳеч ким бу ёш баҳодирга бас кела олмаслигига тушуниб этади. Рустам истар-истамас кечикиб етиб келади. Натижада ота ва ўғил жанг майдонида рўбарў бўладилар. Сухроб Рустамнинг ким эканлигини билишга интилади. Аммо бунинг иложи бўлмайди. Биринчи курашда Сухроб Рустамни даст кўтариб ерга ётқизади ва ханжар билан бошини танидан жудо қилмоқчи бўлади. Шунда Рустам: “Бизнинг одатда баҳодир йигит ҳамроҳини биринчи йикитганда ўлдирмайдилар” – деб алдаб қутулиб кетади.

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012. Б.:162

² Абулқосим Фирдавсий. “Шохнома” (Сайланма) Тошкент, 2012. Б.:92-96





Иккинчи курашда эса Рустам Сухробни йиқитади ва шошилиш суратда бағрига ханжар санчади¹.

Рустам номи жуда кўп асарларда тилга олинган. “Садди Искандарий”да Ажам шоҳлари сулолалари маёнида “Қайқубод даврида Рустам йигитча” эди деса, “Тарихи мулки Ажам” асарида “Исфандиёр” достони ҳақида сўз юритиб, “Рустам улғайиб эрди, анга ҳариф эрмас эди” дейди.² Шунингдек Рустам образи машҳур шоир Турдиннинг сатирик асарларида тилга олинади, бундан ташқари машҳур достоннавис Нодир – Узлатнинг “Хафт гулшан” достонидаги айрим қаҳрамонлар ҳамда шоир Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом достонидаги Баҳром кўп жиҳатлари билан Рутамга қиёсланади. Достонда “Рустамона кор қилди”, “Рустамона чикди” ибораларини кўп қўллаган Рустамнинг Афросиёб билан, Сухроб ва Барзу билан кураш лавҳаларини эслатиб, жанг тасвирида ёрқин картиналар яратишга муваффақ бўлган³:

Иккиси бир-бири хез этди ул дам,

Магар Афросиёб ила чу Рустам...

У ҳам шохнинг белидан тутди маҳкам,

Тутуш қилди магар Сухробу Рустам⁴

Сиёвуш Касроий ҳам бу анъаналарни давом эттирган ҳолда ўзининг “جهان پهلوان” (“Жаҳон паҳлавон”) шеърини яратади. Қуйида ушбу шеъридан парча келтирамиз:

شکوفه جوان سرفراز آمدی	هلال رستم از راه باز آمدی
زمهر تو این شهر آذین گرفت	طلوع تورا خلق آیین گرفت
دل گرم بر سنگ بخشیده ای	که خورشید در شب درخشیده ای
شبان سینه را سپیدی نبود	نبودی تو و هیچ امیدی نبود
نه از چشمه آفتابی سراغ	نه سوسوی اختر نه چشم چراغ
به گل سایه شمع پیچان همه	فرو برده سر در گریبان همه
همه فضا درد می ساختند	به یاد تو بس عشق می باختند
نماند آتشی دود بر خامه رفت	"که رستم به افسون ز شهنامه رفت
بسی بیژن مهر در چاه ماند	"سمند بسی گرد از راه ماند
ولیکن تمنای نخورد آب از آب	"سیاوش ها کشت افراسیاب
مگر یاد خون سیاوش نیست	"در یغا ز رستم که در جوش نیست

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, Касроийнинг мазкур шеърида подшо Рустамга қиёс қилинади, халқ унинг ташрифидан хурсанд бўлиб, шаҳарни гулларга буркайдилар. Аммо воқеалар ривожда подшо асл қаҳрамон образи билан ўрин алмашади ва Рустам афсонавий қаҳрамон ҳамда Эрон ва Эронликларнинг ҳимоячиси сифатида намоён бўлади. Зеро Сиёвуш Касроий шеърида тасвирланган Рустам образи ўз иштини қўлдан бой беради. Фирдавсийнинг “Шохнома”сида Рустам Бижанни зиндондан қутқариб қолади. Аммо Касроийнинг шеърида Рустам Бижанга ёрдам беришни уддалай олмайди ва Бижан абадий зиндонда қолади. Шунингдек “Шохнома”да Сиёвуш Афросиёб қўлида ўлдирилганда, Рустам Туронни ер билан яксон қилади. Аммо мазкур шеърда Сиёвушнинг ўлдирилиши билан, “сув-судан” ҳаракатга

¹ Ўша асар. Б.:123-124

² Ҳамиджон Ҳомидий. “Фирдавсий ва Ўзбек адабиёти”. Тошкент, 2012. Б.:36

³ Ўша асар. Б.:38-39

⁴ “Bahrom va Gulandom” Sayqaliy. T.: 1960. B -26-49

⁵ 163-162 ص 1383، سیاوش کسرایی،

келмайди. Дархақиқат Касроий Рустам образини бир қанча ўзгаришлар билан тасвирлайди, зеро янги жамият ўзига хос афсоналарга эҳтиёж сезарди. Эроннинг қадимги афсонавий қаҳрамони бўлган Рустам энди бу даврга келиб бировга фойда келтира олмайди. Шоир шунга асосланиб ва Рустам афсонасидан илҳомланиб, янги бир афсона яратишга қўл уради.

Сиёвуш Касроийнинг “مهريه سرخ” достонида Сухроб образи келтирилган. Шоирнинг мазкур достони сўнгги ижод намунаси ҳисобланади. Касроий сухроб образини Фирдавсий “Шохнома”¹ инг охири пардасидан бошлайди. Достондаги воқеалар қари қаргадан бошланади.¹

Ораш образи. Ораш камончи Эроннинг қадимги афсонавий қаҳрамонларидан бирининг номи. Ораш Табаристонлик бўлиб, Манучехрнинг сипоҳийларидан эди. У Эрон ва Турон урушидан сўнг Эронлик камончи сифатида намоён бўлди, Эрон ва Турон чегараси белгиланди.

Ораш камонгир достонининг шарҳи “Шохнома”да келтирилмаган. Аммо у ерда унинг номи келтирилиб, достонида маълум бир ишоралар келтириб ўтилган.

Паҳлавий давридаги, шунингдек ислом давридаги тарихий китобларда Орашга ишора қилинади. Абу Райхон Беруний ўзининг “Китоб ул-боқий” асарида “Тиргон байрами”²га тасниф бериш чоғида Ораш достонини айтиб ўтади ва бу байрамнинг келиб чиқишини Ораш эпоси билан боғлайди.

Авестода Орашни “Орахш” тарзида учратишимиз мумкин. Авестода айтиб ўтилган энг яхши камончи “Орахш” биз сўз юритаётган Орашга қиёсланади.

Ораш образи Деххудо асарида ҳам келтириб ўтилган. Унда Ораш Манучехр лашкарлари орасидаги паҳлавон камончининг исми. Манучехр ўз ҳукмронлигининг сўнгги йилларида Турон ҳукмдори Афросиёб билан жанг қилади. Дастлаб Афросиёб ғалаба қозонади ва Манучехр Мозандаронга қочади.

Сиёвуш Касроий ҳам Ораш образидан фойдаланган ҳолда “Ораш-е камонгир” (“Ораш камончи”) эпик достонини ёзади. Унинг Ораш афсонавий образини қайта яратишига қуйидаги икки омилни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин:

1. Сиёвуш Касроий Эроннинг келажагидан умидвор шоирлардан бўлган. Ваҳоланки, ноумидлик ва тушқунлик шоир яшаган даврда барча эронликлар қалбини эгаллаб олган бўлиб, жуда камсонли аҳоли Эроннинг келажагидан умид қиларди ва ишонарди. Шоирнинг афсонавий лирик қаҳрамони Ораш ҳақидаги афсона Эрон жамиятида умидсизлик ва тушқунлик ҳукмронлик қилган қадимги замонларда пайдо бўлди. Эроннинг барча қаҳрамонлари Афросиёб билан бўлган жангда чорасиз аҳволда унинг қўшини сафларида хизмат қилади. Ораш камонни ўқлаган ҳолда намоён бўлади. У эронликлар орасида умидворлик, ҳаяжон ва қалбларида туғён уйғотади. Касроий ҳам Ораш Камонгирнинг умидбахшлик ва руҳий унсурларини инобатга олган ҳолда эронликлар орасида бу афсонани ўз ишининг асоси сифатида киритади ва Ораш камонгир достонини шу асосда ёзади. Доктор Хонларий бу ҳақда шундай ёзади: “Ноумидлик ва ўлимни мадҳ этган аксарият шоир ва ёзувчилардан фарқли ўлароқ, бу шеърда ҳаётдаги умидворлик, қалб туғёни, муҳаббат, елиб – югуриш ҳукмронлик қилади”.

2. Шубҳасиз, Касроий бу афсонани қайта яратишдан асосий мақсадларидан бири жамият ҳаётини, унинг устидан ҳукмронлик қилаётган умидсизликни танқид қилади.

Таъкидлаш жоизки, кўп танқидчилар бу шеърни миллатга умид бағишлайдиган ва руҳий қувват берадиган шеър деб баҳолайдилар. Зеро, мамлакатдаги миллий ҳаракатлардан сўнг

¹ ماه نامه فرهنگ سیاسی، اجتماعی و ادبی شماره 64، اردیبهشت 1387. بهروز حسن زاده: " نقد و تحلیل منظومه "مهريه سرخ" "

² O'rta Eron asrida o'tkazilga bayram nomi. (Eron shamsiy yilining 4-oyiga to'g'ri keladi, Bizda 21-22-iyun – 21-22 iyul)



одамлар умидсизликка ва тушкунликка тушиб қолган эдилар. Ораш камончи эса умидбахш этувчи ва руҳий қувват бағишловчи ҳислатларга эга бўлган.

Касроий замонасида рўй бераётган вазиятларга эътибор қаратга ҳолда мазкур афсонани қайта яратишга қўл уради. Эрон жамиятида юз бераётган ижтимоий-сиёсий вазият шоирни ўтган кунларга чорлайди ва шоирни мазкур мазмундаги шеърни ёзишга ундайди. Зеро, Эрон жамияти бир вақтлар ўзгалар устидан ҳукмронлик қилган. Касроий шу вазиятларни ҳисобга олган ҳолда куйлайди:

فصل ها فصل زمستان شد
 صحنه گلگشت ها گم شد نشستن در شبستان شد
 در شبستان های خاموشی
 می تراوید از گل اندیشه ها عطر فراموشی
 سنگر آزادگان خاموش
 خیمه گاه دشمنان پر جوش
 مرز های ملک
 همچو سرحدات دامنگستر اندیشه بی سامان
 برجهای شهر
 همچو باروهای دل بشکسته و ویران
 دشمنان بگذشته از سر حد و از بارو

Мазмуни:

Фасллар қишга айланди,
 Сайр майдонлари гоийб бўлди,
 Индамас тун оқиомларида
 Гулдан таралар фикрлар атри.
 Қўрқинчли эди ва ўлимнинг боли.
 Зодагонлар истеҳкоми сокин,
 Душман қароргоҳи эса гуркираган.

Шундан кўринадики, Сиёвуш Касроий Ораш камонгир достонини куйлаш билан Орашнинг орзуси ўз юртидаги аҳолининг тиргаги ва таянч манбаи бўла олиш ҳамда умидсизлик ва тушкунликка гирифтор бўлган, унга умид ва илинж кўзи билан боқаётган одамларни озод этиш ва мавжуд вазиятни танқид остига олиш, шу йўл билан мамлакат устидан ташқи кучларнинг ҳукмронлиги ва уларнинг таъсир кучини тугатиш эканлигини кўрсатиб беради. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бу шеърда тасвирланган Ораш образи қадимда тилга олинган Ораш тимсоли каби юртига ва ватандошларига нажот бахш этиш учун ўз жонини фидо қилади. Ижодкор Орашнинг тилидан шундай дейди:

در این میدان
 در این پیکر هستی سوز بی آسمان
 پری از ببايد تا فرو نشیند از پرواز

Мазмуни:

Бу жанг майдонида,
 Бу жангда ҳаёт қурол-яроғсиз ўт ичида,



Қулаб тушмаслигинг учун жонинг билан учиишнг керак

Ва яна шундай дейди:

شامگاهان
راه جویانی که می جستند آرش را به روی قله ها پی گیر
باز گردیدند
بی نشان از پیکر آرش
با کمان و ترکشی بی تیر
آری آری جان خود در تیر کرد آرش
کار صد ها صد هزاران تیغه شمشیر کرد آرش

Мазмуни:

*Кечки томон,
Орашени изладилар қалъалардан, кетма-кет,
Қидирдилар,
Орашдан ҳеч дарак йўқ,
Ҳа,ҳа, Ораш ўзига камондан ўқ узди.
Юзлаб, юзминглаб иши шамишир учини ўзига тикди.*

Хулоса. Сиёвуш Касроий Эрон заминида яратилган қадимги афсоналарга янги мазмун юклади ҳамда ўзининг сиёсий ғояларини, жамиятда содир бўлаётган воқеликка муносабатини уларда акс эттирди. Сиёвуш Касроий яратган шеърларнинг шаклан соддалиги, равон тилда ёзилганлиги афсоналар яратилган даврдан анча кейин яшаётган янги авлоднинг ўз тарихига, миллий қадриятларига бўлган муносабатни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Касроий шеърлари орқали янги авлод китобхони кўз ўнгида афсонавий Сиёвуш тимсолида ҳалол, пок, доно ва ақлли, Рустам ва Сухроб қиёфасида мард, баҳодир ва жасур аждодларининг бадий қиёфаси гавдаланади. Бу қаҳрамонлар асрлар давомида ватанпарвар ва юксак қалб соҳиблари сифатида намоён бўлиб келганлар. Касроий шеърляти форс мумтоз эпик анъаналарининг энг илғор, умуминсоний жиҳатларини ўзида мужассам этган бадий тафаккур маҳсули сифатида чуқур тадқиқ этишга лойиқдир.



“ҲОГЕН МОНОГАТАРИ” АСАРИДА “БУШИДО- САМУРАЙЛАР АХЛОҚ НОРМАСИ” ВА ҲАРБІЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ АКСИ

АБУБАКИРОВ ЖАВОХИР

тадқиқотчи, ТГУВ

Аннотация. Япония адабий анъаналари бой ва узоқ тарихга эга бўлиб, япон адабиёти узоқ вақт хитой адабиёти таъсири остида бўлган ва кўп асарлар айнан эски хитой ёзувида ёзилган. IX аср ўрталарида бўгинли ёзув –кана нинг кашиф қилиниши хитой тили ўрнига япон тилида ижод қилиш имконини берди. Ёзувнинг кашиф қилиниши эрта ўрта аср (IX-XII) ларга бориб тақалади.